

## ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ЖАЛБ ЭТИЛГАН МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ БЎЛИНМАЛАРИНИНГ ЖАНГОВАР ВА ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР

*Азамов Баходиржон Назирович*

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Магистратура  
тингловчиси, подполковник*

**Аннотация:** Ушбу мақолада жамоат хавфсизлиги тушунчаси ҳамда уни жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган Мудофаа вазирлиги бўлинмаларининг жанговар ва хизмат фаолиятини такомиллаштириш тартиби ва қўллаш бўйича шарт-шароитлар ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** жамоат хавфсизлиги, жанговар фаолият, хизмат фаолияти, Жамоат хавфсизлик концепсияси, жамоат хавфсизлигини таъминлаш.

**Аннотация:** В данной статье говорится о понятии общественной безопасности, условиях ее применения и порядке совершенствования боевой и служебной деятельности подразделений Министерства обороны, участвующих в обеспечении общественной безопасности.

**Ключевые слова:** общественная безопасность, боевая деятельность, служебная деятельность, Концепция общественной безопасности, обеспечение общественной безопасности.

**Annotation:** This article talks about the concept of public security, the conditions for its application and the procedure for improving the combat and service activities of units of the Ministry of Defense involved in ensuring public security.

**Keywords:** public safety, combat activities, official activities, the concept of public safety, ensuring public safety.

Бугунги глобаллашув ва жадаллашув шароитида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, фавқулотда ҳолатларни олдини олиш, энг аввало мамлакатда, унинг маъмурий ҳудудларида, қолаверса, дунёда, ён атрофимиздаги давлатларда содир бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнлар билан боғлиқ ҳолда жамоат хавфсизлиги ҳолатига таъсир этувчи қонуниятлар ва омилларни доимий равишда мониторинг ҳамда таҳлил қилиб бориш, шунингдек, унинг натижаларидан унумли фойдаланиш энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Бутун дунёни кўплаб давлатларидаги бугунги кундаги кескин вазият - иқтисодий инқирознинг чуқурланиши, жамиятда одоб-ахлоқ қадриятларнинг пасайиб кетиши, аҳолининг турли ижтимоий гуруҳ ва қатламларнинг манфаатлари ўртасида зиддиятларнинг кескин кучайиши билан характерланади. Ушбу шароитларда ижтимоий можаролар ҳавфининг янги манбаларини келиб чиқиши ва жамоат хавфсизлигини таъминланиш ҳолатларига бўлган заруратни вужудга келиши натижасида ривожланишни оғирроқ оқибатларига олиб келишни бошлади. Кўпинча, улар кутилмаганда рўй бермоқда. Жуда катта қурбонлар, кулфатларга сабаб бўлмоқда. Энг фожиалиси - инсонлар қурбон бўлмоқда. Беқарор, адоватли вазият вужудга келмоқда. Ижтимоий ривожланиш ва тараққиёт жараёнлари секинлашмоқда. Аҳолида эртанги кунга ишончсизлик, ўз ҳаётидан, қариндош-уруғлари ва яқин кишиларининг ҳаётидан хавотир ҳисси уйғонмоқда. Ва энг муҳими, воқеаларнинг олдиндан билиб бўлмайдиган тарзда бундай ривожланиши мамлакат танлаб олган сиёсий ва иқтисодий йўлни амалга ошириш мумкинми, йўқми деган масалани кўндаланг қилиб қўймоқда. Ушбу манбаларни вужудга келишининг бир қатор сабаблари оқибатида, асосан иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий вазиятда, ҳам давлат, ҳам унинг регионларини қамраб олаётган туб ўзгаришлар сабабли аҳолининг яшаш шароитлари тубдан ёмонлашиб, паст кўрсаткич даражаси томонга қараб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ27-сон Фармони тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси”да “жамоат хавфсизлигига” тушунча берилгани билан, илмий асослаш ва замонавий шакллантириш, шунингдек, бошқа шунга ўхшаш

ҳуқуқий ҳодисалар билан чегараланиш ва муайян алоқаларни ўрнатиш тадқиқот фаолияти учун ҳам, ҳуқуқ учун ҳам, ижро амалиёти учун ҳам катта аҳамиятга эга. Таъкидлаш жоизки, мамлакатнинг умуман хавфсизликнинг принципиал янги концепциясига ўтиши шароитида ушбу масалани назарий тадқиқ этиш янги назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу, биринчи навбатда, жамиятимиз ва бутун давлат ривожланиши учун ички ва ташқи шароитларнинг сезиларли ўзгариши билан боғлиқ. Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг аҳамияти шундаки, ушбу ҳуқуқий ҳодиса давлатда содир бўлаётган мураккаб жараёнларни диққат марказига олади. Миллий хавфсизликни, хусусан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш маълум маънода мамлакатни ислоҳ қилишнинг шарти ва айни пайтда мақсади, деган фикр бор. Умумий ёндашув нуқтаи назаридан мураккаб, ҳуқуқий ҳодисанинг барча зарур белгиларига эга бўлган “жамоат хавфсизлиги” тушунчасини аниқлашда бир қатор қийинчиликларга эътибор қаратиш лозим. Шу билан бирга, мураккаб ижтимоий жараёнлар ва ҳодисаларни акс эттирувчи “жамоат хавфсизлиги” объектив равишда аниқ тарихий (шунинг учун динамик) хусусиятга эга ва “табиат - инсон – жамият” тизимидаги ўзаро таъсирнинг барча шакллари ва йўналишлари билан чамбарчас боғлиқ. “Жамоат хавфсизлиги” тушунчасини таҳлил қилишга тўхталадиган бўлсак, шуни такидлаш жоизки, бугунги кунда илмий ишларда ушбу ҳуқуқий тоифани белгилаш бўйича кўплаб қарашлар шаклланган. “Жамоат хавфсизлиги” атамаси илмий билимларнинг турли соҳаларида ва ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалий фаолиятида кенг қўлланилади. Бироқ, унинг кенг қўлланилишига қарамай, афсуски, бугунги кунда “жамоат хавфсизлиги таърифига ягона ёндашув мавжуд эмас. Шу муносабат билан “жамоат хавфсизлиги” тушунчасининг мазмунини аниқлаш бўйича илмий адабиётлар, амалдаги қонун ҳужжатларини ҳар томонлама таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Жамоат хавфсизлигини ҳисобга олган ҳолда Л.Рогозин уни “табиий офатлар ёки бошқа махсус шароитлар билан боғлиқ ҳолда, алоҳида шароитлар юзага келганда жамият учун ортиб бораётган хавф туғдирувчи объектлардан

фойдаланган ҳолда, ҳуқуқий нормаларга мувофиқ шаклланадиган жамоат муносабатлари тизими” деб таърифлайди.

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясига мувофиқ, жамоат хавфсизлиги – бу жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди.

Демак, юқорида “жамоат хавфсизлиги” тушунчасини атрофича муҳокама қилдик. Энди эса, жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган Мудофаа вазирлиги бўлинмаларининг жанговар ва хизмат фаолиятини такомиллаштириш тартиби ва қўллаш бўйича шарт-шароитлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак. 2020 йил 18 ноябрда “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган. Ушбу қонуннинг 3-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари қўшинларининг **жамоат хавфсизлигини таъминлаш** ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилишга доир айрим вазифаларга эга бўлган махсус туридир. Ушбу моддадан шуни англаш мумкинки, Миллий гвардия Мудофаа тизимида жамоат хавфсизлигини таъминлашда энг муҳим вазифаларни бажаради.

Хўш, жамоат хавфсизлигини таъминлашда Миллий гвардиянинг жанговар ва хизмат фаолиятини такомиллаштириш тартиби ва қўллаш бўйича шарт-шароитлар қандай? Аввало, жанговар фаолият тушунчасига ҳам тўхталиб ўтсак. Жанговар фаолият – штаблар ва қуролли кучлар фронт орти муассасалари томонидан уруш давридаги жанговар ҳаракатлар ва тинчлик машқлар давомида юритиладиган уюшган фаолият. Жамоат хавфсизлигини таъминлашда Миллий гвардиянинг жанговар ва хизмат фаолиятини такомиллаштириш тартиби ва қўллаш бўйича шарт-шароитлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва

уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида келтирилган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси:

- жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мақсадли идоравий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;
- жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга чек қўйиш бўйича тадбирларни амалга оширади;
- ўзига бириктирилган жамоат жойларида, шу жумладан Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоятлар марказларидаги оммавий тадбирларда, истироҳат боғлари, хиёбонлар ва бозорларда жамоат тартибини сақлашни ташкил этади;
- ваколати доирасида фавқулодда вазиятларда ва фавқулодда ҳолат эълон қилинган ҳудудларда жамоат хавфсизлигини таъминлайди;
- террорчиликка қарши операцияларни ўтказишда ваколатли давлат идоралари билан ҳамкорликда иштирок этади;
- давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган объектларни ҳамда бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини қўриқлайди;
- қўриқлаш фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади;
- жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида илмий-тадқиқот ва ташкилий-услубий ишларни амалга оширади.

Демак, юқоридаги таҳлилларга таяниб, “жамоат хавфсизлиги” тушунчасига оид илмий позициялар ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган Мудофаа вазирлиги бўлинмаларининг аниқроғи Миллий гвардия жанговар ва хизмат фаолиятини такомиллаштириш тартиби ва қўллаш бўйича шарт-шароитларнинг юқоридаги таҳлили ва юритилган фикрлар “жамоат хавфсизлиги” деганда шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий манфаатларини тўсқинликсиз рўёбга чиқаришни таъминлашга, потенциал ёки реал хавф туғдирувчи шарт-шароитлар ва омилларнинг олдини олишга, маҳаллийлаштиришга ва бартараф этишга қаратилган ижтимоий муносабатларни етарли даражада ҳимоя қилиш ҳолати тушунилади ҳамда жанговар ва хизмат фаолиятини такомиллаштириш тартиби

бўйича шарт-шароитларни яратиш жамоат хавфсизлигини такомиллаштиришда муҳим ўрин тўтади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлар ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги ПФ-27-сон фармони.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги ЎРҚ-647-сон қонуни.

3. “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 29.11.2021 йилдаги ПФ-27-сон.

4. “Ҳарбий атамаларнинг қисқача изоҳли луғати”.

5. А.Ф. Жолдасов. Жамоат хавфсизлиги: тушунчаси, таърифи ва ўзига хос хусусиятлари.

### **ЭЛЕКТРОН МАНБАЛАР:**

1. <https://lex.uz>